

# YOSHLAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

## АБАЙ ИЖОДИ ЎЗБЕК ИХЛОСМАНДЛАРИ АРДОҒИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси томонидан "Абай Қўнонбоевнинг ижодий мероси ўзбек халқи учун қадридон" мавзусида ижодий кеча ўтказилди.

Президентнинг жорий йил 13 мартдаги "Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида"ги қарори қардош Қозоғистон халқига, унинг бетақрор адабиёти ва маданиятига бўлган улкан ҳурматнинг ифодасидир.

Мазкур қарор ижроси доирасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Республика қозоқ миллий маданий маркази ҳамкорлигида ўтказилган ижодий кечада Абайнинг ўз халқига чекиз меҳр-муҳаббати, уни умумбашарий шоирга айлантирган она Ватанга садоқати, эл-юрт

тақдири йўлидаги жонқуярлиги ва фидойилиги барча учун ўрнатқан таъкидланди.

Абай ҳаёти ва фаолияти таҳлил этилганда, унинг қандай чиғирқлардан ўта олган улғу шоир, миллат булбули экани ҳақида фикрлар билдирилади.

Бу каби сая-ҳаракатлар ўзаро маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантириш, икки халқ ёшларини адабиётнинг улғу намоёндалари ижоди билан кенг таништиришда муҳим аҳамият касб этади.

"Қозоқ адабиёти ривожига Абай ижодининг ўрни", "Абай — қозоқ халқининг ёрқин юлдузи" мавзуларида маърузалар тингланди. Шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи "Абай қозоқ ва ўзбек халқларининг ёрқин юлдузи" номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

**Б.МЕЛИҚУЛОВА,  
ЎЗА муҳбири**

## "YOSHLAR — KELAJAGIMIZ" DAVLAT DASTURI — AMALDA

### ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ ОРТМОҚДА



"Yoshlar — kelajagimiz" Davlat dasturi ҳақида аҳоли, айниқса, ёшларни кенгроқ хабардор этиш, уларнинг ижтимоий кайфиятини ўрганиб, муаммоларига ечим топиш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида ишчи гуруҳлари фаолиятини давом эттирмоқда.

Давоми 2-саҳифада

## MUNOSABAT

### КЕЛАЖАКНИНГ ҒАМИНИ БУГУН ЕЯЙЛИК

Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш, жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш мамлакатимиз учун доимо принципиал муҳим масала бўлиб келган. Айниқса, сўнгги йилларда соҳада амалга оширилаётган ислохотлар кишига ўзгача мамнуният бағишлайди.

2017 йилда "Kamolot" ёшлар ижтимоий ҳаракати негизига янги тузилма — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилганининг ўзидек тизимда катта ўзгаришларни бошлаб берган воқеалар. Жорий йил 27 июнь кунин Президентимиз томонидан "Yoshlar — kelajagimiz" Davlat dasturi тўғрисидаги фармоннинг имзолангани эса, шаксиз, бу йўлдаги навбатдаги дадил қадам бўлди.

4 июль кунин давлатимиз раҳбари айнан шу ҳужжат мазмун-моҳияти юзасидан видеоселектор йиғилишини ўтказгани. Янги тузилган "Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси ҳамда қатор мутасадди ташкилотлар олдига муҳим вазифалар қўйилди. Жамғарма маблағлари ҳисобидан ёшларнинг бизнес лойиҳалари учун йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит берилиши қарор этилди. Мазкур амалиёт тадбиркор бўлишни истаган, аммо етарли сармоя тополмай, қийналаб юрган йигит-қизлар учун айна мудоаосидир.

Тўғри-да, кечагина коллежни тамомлаган ёки ҳеч жойда ишламайдиган йигит ёки қизда қаердан ҳам маблағ бўлсин?! Мана шундай вазиятда давлат турли имтиёз ва қўлайликлар яратиш йўли билан уларга ёрдам қўлини чўзмоқда.

Бандлиги таъминланмаган ёшни фермерга бириктириб қўйиш ҳам пухта уйланган режа, назаримизда. Бу наврасталарни меҳнатсеварликка ўргатади, ерга меҳр қўйишга ундайди. Кун келиб ана шу қоракўзлар элимиз дастурхонини ноз-неъматларга тўлдириб, жаҳон бозорига экспортбоп маҳсулотлар чиқара олишига шубҳа йўқ.

Сир эмас, сўнгги вақтда

қуртимизда вояга етмаганлар ўртасида қонунбузарлик ҳолатларининг ортиши кузатилаётган. Охириги бир йил мобайнида 509 миң нафар ёш ўзоқ муддатга чет элларга чиқиб кетган. Бу эса, эртамин эгаларини иш билан таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб қилиш борасидаги ишлар ҳали кўнгилдагидек эмаслигиндан далolat беради. "Yoshlar — kelajagimiz" Davlat dasturi муаллифлари мазкур жиҳатга ҳам алоҳида эътибор қаратган. Зотан, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг бош илдизи — ишсизлик. Буни ҳамма яхши билади. Ёшлар иш билан таъминланса, бузғунчи ғоя ва ҳаракатларга чалғимайди. Онги ҳам заҳарланмайди.

Видеоселекторда Ёшлар иттифоқи ва ёшлар масаласига масъул бошқа ташкилотларнинг фаолияти ҳам танқидий-таҳлилий кўриб чиқилиб, мавжуд муаммо ҳамда камчиликлар четлаб ўтилмади. Хусусан, ички ишлар идоралари, таълим муассасалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа жамоатчилик ташкилотларининг бу борадаги ишлари қониқсизлиги рўй-рост айтиди. Туман ва шаҳар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, туман ички ишлар бўлими бошлиқларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари шундай масъулиятли лавозимни эгаллаб туриб ҳам, жонбозлик кўрсатмаётгани қаттиқ танқид қилинди.

Эндиликда барча даражадаги раҳбарларга талаб янада кучайиши аниқ. Зотан тизимдаги нуқсон ва камчиликлар тезкор бартараф этилмаса, ёшларга оид давлат сиёсати масаласи ҳали-бери олдига силжимаслигини биз теран англаб турибмиз. Демак, шу юртнинг ҳар бир фарзанди Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаса, ёшларга мададкор, тиргак бўлсагина кўзланган эзгу мақсадларга етишимиз мумкин.

Санжар ЭШМУРОДОВ

## KUN MAVZUSI

### ЗАЛЛАР КИТОБХОНЛАРГА ТўЛА



Республикамизнинг барча туман ва шаҳарларида "Ёш китобхон" танловининг саралаш bosқичлари ўтказилмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 12 майдаги қарорига мувофиқ буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган бу галги йирик интеллектуал беллашувда 22 миң 863 нафар жижизахлик ўғил-қиз қатнашиш истагини билдирган. Ваҳоланки, ўтган йили аризалар сонин 16 миңга ҳам етмаганди. Кўриниб турганидек, лойиҳага қизиқиш тобора ортмоқда.

Дастлаб Жижизах вилоятидаги китобхонлар 20-30 ёш тоифасида беллашди. Жойларда бунинг учун барча шароит ва қўлайликлар яратилди.

— Танловда биринчи бор иштирок этишим, — дейди Сарвиноз Сайдуллаева. —

Яширмайман, ҳаяжон кучли. Тест жараёни ҳақиқатан шаффоф ўтди. Ҳар бир китобхон учун алоҳида компьютер ажратилиб, тест натижаси шу заҳотиёқ экранга чиқариб берилди. Ташкилий жиҳатта шахсан менинг ҳеч қандай эътирозим йўқ.

15-19 ёшли китобхонлар ҳам танловда анча фаоллик кўрсатди. Улар орасида ҳатто ҳарбий хизматчилар борлигини кўриб ғоятда қувондик. Масалан, Жижизах шаҳридаги Сайилжойи академик лицейида ўтказилган танловда залнинг қарийб ярми аскарлардан иборат бўлганини кўрдик.

Зарбдор ҳамда Дўстлик туманларида эса, танлов доирасида китоб ярмаркалари ҳам ташкил этилди. Бу китобсевар ёшлар учун ҳақиқий сюрпризга айланди. Лойиҳанинг саралаш bosқичлари давом этмоқда.

Элдор НАВРЎЗОВ

## ОИЛА — ДАВР ЭВРИЛИШИДА

Мухр босилди. Унинг зарбидан столгина эмас, еру кўк ларзага келди. Бунинг бирор сезми ё сезмади. "Тамом бўлди", ғўдранди эр. Лабини қимтиб, кўзида айланган ёшини ғўрур тўқтирмаган аёл оғир ва мағрур хонадан чиқди. Улар бир-бирига тўғри келмабди. Қўтулдилар. Ташқаридан нур оқиб кираётган йўлак ҳам иккига ажралган, хув анави дераза олдидаги икки норасида эса...

Жамиятнинг соғлом бўлиши оиладаги муҳит-

га боғлиқ. Бу ўзгармас ҳақиқат. Зеро, ҳар қачон оила, қариндош-уруғ, кўни-қўшни муносабатлари жамиятнинг жон томирлари бўлиб келган. Унинг тараққиёти ҳам, таназзули ҳам айна шуларга дахлдор. Бугун қай бир соҳада ривожланиш шиддат билан кечмасин, эврилишлар даврида ҳам ота-она, эр-хотин, фарзандлар, қайнона-қайнота алоқалари муҳим. Шу боис оилавий ажримлар, келишмовчиликлар, ака-ука, опа-сингил, ота-бола,

қайнона-келин муносабатларидаги нохуш ҳолатлар сонин ортаётгани кишини хавотирга солади. Айниқса, кейинги пайтларда оилавий низоларнинг жиноят билан якун топаётгани, куч ишлатиш ҳолатлари, ажримлар сонининг ортиб бораётгани бу борада маълум бир чора-тадбир қўришни талаб қилмоқда.

Мазкур масала кеча ёки бугун муҳокама қилинаётгани йўқ. Бу миллат эртасига дахлдор мавзу бўлгани учун ҳам


ҳар қачон, ҳар ерда долзарб аҳамият касб этган. Бироқ унинг ечимига ёндашув турлича.

Дунёнинг айрим мамлакатларида оила институтини, ёшларни оилага тайёрлаш, ажримлар, низоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилганки, улар тажрибасини ўрганиш бу каби муаммоларга ечим топишда миллий концепцияни ишлаб чиқиш имконини беради.

(Давоми 2-саҳифада)

## ITTIFOQ KAFILLIGI OSTIDA

### ОЗОДЛИККА ЧИҚАРИЛДИ



Хонқалик Шаҳзодбек Султонов билиб-билмай жиноят кўчасига қадам қўйди. Эндигина 22 ёшни қаршилаган тенгдошимиз ўз мавқеидан фойдалан-

ниб, ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритмоқчи бўлди. Гап шундаки, Шаҳзодбек у мажбурий ижро бюросининг Урганч

тумани бўлимида ишлаб юрган пайтида фуқаро Ҳ.Ҳуломовага (исм-фамилияси ўзгартирилган) электр энергиясидан қарзини маълум маблағ

эвазига йўқотиб беришни ваъда қилади. Бироқ қинғир ишнинг қийиғи чиқиб, нопок ходим жиноят устида, ашёвий далиллар билан бирга ушланди.

Суд бошланди. Ҳолат билан яқиндан танишган Ёшлар иттифоқининг Хоразм вилояти кенгаши наврастага кўмак беришга интилади. Судда айбланувчининг ўз қилмишидан қаттиқ пушаймонлиги, муқаддам судланмагани ва бошқа жиҳатлар инobatта олинди. Ш.Султонов Иттифоқнинг ҳудудий кенгаши кафиллиги остида озодликка чиқарилди.

— Менга кўмак берган Иттифоқдан миннатдорман, — дейди у. — Озодликнинг қадрига етган инсон жиноятга қўл урмайди. Энди нопок ишлар қилмайман. Бундан буён ҳар бир дақиқадан унуми фойдаланиб, Ватаним равнақи йўлида садоқат билан меҳнат қиламан.

Мироншоҳ ЭРКИНОВ

## БИР ҚАДАМ ҚОЛДИ



## АЁЛЛАРНИНГ ҚАДРИ ҲАҚИДА



SENING TENGDOSHING



# МАКТАБ ОЧМОҚЧИМАН

— дейди маҳоратли ёш спортчи Жамшид Ҳайитов

Бухоролик бу тенгдошимиз болалигидан эркин кураш тури билан шуғулланиб келади. Тажрибали спорт мураббийи Митхат Гарифуллиндан олган сабоқлари унинг юксак марралар сари дадил оидлаб, салмоқли натижаларга эришишига туртки берди.

Мана, бир неча йилдирки, Жамшид Ҳайитов Ўзбекистон чемпиони деган номни оқлаб келмоқда. Ҳар гал гиламга чиққанида кўпчилиكنинг ҳайрати, ҳавас ва эътирофига сазовор бўлмоқда. Яқинда у АҚШда ўтказилган нуфузли турнирда қатнашиб, 85 килограмм вазн тоифасида 1-ўринни қўлга киритди. Америка, Таиланд, канадалик рақиблар ўзбек ўғлонининг маҳорати ва иродасига тан бергани рост. Буни ўзлари ҳам яширгани йўқ. Қаҳрамонимиз мохир хунарманда ҳамдир. Халқимизга азалдан хос бўлган меҳру оқибат туйғуларини алоҳида қадрлайди. Одамларга ҳаминша яхшилик илинади, қалбларга самимият

улашишга ҳаракат қилади.

— Катта зафарларим ҳали олдинда! — дейди ўзбек ўғлони шахд билан. — Болаликдан спорт мактабини очини орзу қилганман. Келгусида шогирдарим жаҳон ареналарида юртимиз байроғини баланд кўтаришини жуда-жуда хоҳлайман.

Биз Жамшиднинг эзгу ниятлари ижобат бўлишига тилакдошимиз.

А.САТТОВА

## SUNBATDOSH

# ЗАРАРЛИ АХБОРОТДАН ҲУҚУҚИЙ ҚАЛҚОНИМИЗ БОР

Жорий йилнинг 9 мартдан “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кучга кирди.



аккредитациядан ўтган экспертларга мурожаат этиши мумкин. Табиийки, ушбу хизмат пулли.

— Бу экспертлар қимвар?

— Улар ваколатли давлат органлари мутахассисларидир. Аммо бошқа ҳаммасларидан фарқи ўларок, улар маълум синов ва аккредитациядан ўтган, ўз соҳасида эксперт сифатида тан олинган бўлади. Бундай экспертлар рўйхати давлат органининг интернет-даги расмий веб-сайтида жойлаштирилади. Маълумотлар билан хоҳлаган одам, хоҳлаган пайтида кириб танишиши мумкин.

Яширишнинг ҳожа-ти йўқ, шундан кейин одамлар орасида ахборотга муайян чеклов ва тақиқлар қўйилди, қабилидаги миш-мишлар тарқалди. Хўш, бу фикрлар нечоғлиқ асосли? Миллий ахборот маконимизда янги тажрибани бошлаб берган қонунадан қандай натижа кутса бўлади? Қандай ўзгаришларга таяёр туришимиз керак? Шу ва бошқа саволларга ойдинлик киритиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербаевни мулоқотга чорладик.

— Янги қонун ёш авлоднинг зарарли ахборотдан ҳимояланиши, лекин ахборот олишига доир ҳуқуқини чекламайди, — дейди депутат. — Яна бир гап, унинг нормалари

илмий-техникавий, статистик маълумотларни ўз ичига олган, жамият учун тарихий, бадиний ва маданий қиммат касб этувчи медиа маҳсулотларга таалуқли эмас.

— Қонунга мувофиқ, энциклопедия, телевидение, босма нашрлар, интернет каналлари ва бошқа турдаги манбалар орқали узатилаётган ахборотлар, шунингдек, реклама материалларида «0+», «7+», «12+», «16+», «18+» деган ёшга оид тасниф белгилари акс эттирилиши шарт. Мазкур талаб қай тарзда бажарилди?

— Ёш тоифасини ахборот тарқатувчи мустақил равишда қўяди. Агар бунга маалакиси ет-мас, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида

— Болаларнинг онги ва руҳиятига зиён етказиши мумкин бўлган ахборотлар айнан қайси жойларда тарқатилиши мумкин эмас?

— Таълим масканлари ҳамда болалар учун хизмат қиладиган тиббиёт, санаторий-курорт, маданият, дам олиш ва спорт-соғломлаштириш муассасаларида. Агар концерт ва театр томошалари, оммавий дастурларда наврасталарнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотлар мавжуд бўлса, ташкилотчилар бу ҳақда олдиндан эълон қилиб қўйиши шарт. Ота-оналар ҳам фарзандларини бундай тадбирларга олиб боришдан аввал қонунчилик билан яхшилаб танишиб қўйса, мақсада мувофиқ бўларди.

— Қонун доирасида бир нечта қонуности ҳужжатини ишлаб чиқиб, қабул қилиш ҳам қўзда тутилган. Бу йўналишда сиғиш борми?

— Ҳозирча йўқ. Лекин фурсатдан фойдаланиб, ўқувчиларга

эслаб ўтмоқчиман: янги қонун доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг “Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини аниқлаш мезонлари ва тартиби”, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи томонидан экспертларни аккредитация қилиш тартиби”, “Экспертларнинг реестрини юритиш қоидалари”, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга доир маъмурий ва ташкилий чора-тадбирларга, дастурий-аппарат ва техника воситаларига доир талаблар”, шунингдек, “Ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш тартиби”ни тасдиқлаб, ҳаётга татбиқ этиши қўзда тутилган.

— Вақтингизни ажратганингиз учун ташаккур!

Жавлон ВАФОВЕВ  
сўхбатлашди.

# ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ ОРТМОҚДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

## ХОРАЗМ

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қурбанбаев бошчилигидаги ишчи гуруҳи аъзолари воҳода бўлиб, ёшлар билан учрашди.

Янгибозор туманида ташкил қилинган тадбирда 200 нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди. Очiq мулоқотда “Yoshlar mehnat guzari” ни куриш истагини билдирган ёш тадбиркор Зафарбек Каримовга туман маданият ва

истироҳат боғи ҳудудидан ер майдонини ажратилди. Учрашув давомида 11 нафар йигит-қизнинг бизнес-лойиҳаси ҳам маъқулланди.

Шовот туманида эса, 280 нафар ёшнинг муаммо ва тақлифи тингланиб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган 14 нафар тенгдошимизга жами 4 миллиард сўм кредит маблағлари тақдим этилган бўлди. “Yoshlar mehnat guzari” ни барпо этиш ташаббуси билан чиққан тадбиркор Бектурди Жумабеовга ҳам туман марказидан ер берилди.

Сумбулой НУРМЕТОВА

## БУХОРО



Когонлик Меҳридин Жабборов оилада тўнғич фарзанд. Болалигида отасидан ажралган дўстимиз онаси, жисмоний имконияти чекланган уқаси ва синглисини боқиш учун Россияга жўнаб кетганди. Афсуски, қурилишда ишлаб юрганида оғир тан жароҳати олиб, тўшакка миҳланди. Йигитнинг волидаси — ёши етмишга яқинлашган Назира ая Жабборованинг ёрдам сўраб бормаган идораси қолмади. Ҳатто Халқ қабулхонасига қилинган мурожаатига ҳам тайинли жавоб ололмади. Ишчи гуруҳи аъзолари билан

мулоқотдан кейин эса, муаммо ҳал бўлди-қўйди. Меҳридиннинг уқаси касалхонага жойлаштирилиб, оиланинг қолган аъзоларига керакли дори-дармонлар етказилди ҳамда моддий кўмак берилди. Шофиркон туманидаги урганишлар давомида “Қалмақон” маҳалласида яшовчи 17 ёшли Муҳаммаджон Баҳромовга ногиронлар аравачаси тақдим этилди. Бундан тўнғичларнинг кетган навраста ишчи гуруҳи аъзоларига ўзи ёқтирган қўшиқларидан хиргойи қилиб берди.

Зулфизар МАВЛОНОВА

## САМАРҚАНД

Нарпай туманидаги урганишлар чоғида ёшлар ишсизлик, тадбиркорликни бошлаш ва кенгайтириш билан боғлиқ муаммоларга дуч келаётгани маълум бўлди. Ишчи гуруҳи ақсарият масалаларга жойида ечим топди. Хусусан, уч нафар тенгдошимиз тадбиркорлик субъектларига ишга жойлаштирилган бўлса, шахсий бизнесини очиб истагидаги олти нафар ёшга имтиёзли кредит ажратишга келишиб олинди. Шунингдек, икки

нафар кам таъминланган оила фарзандига вилоят шифохонасида даволаниши учун бепул йўланма берилди. Тойлоқда фаолият олиб борган ишчи гуруҳи аъзолари “Чорбоғтепа”, “Нури йул”, “Ада”, “Сочак”, “Бирлик”, “Сарниосиё” маҳалаларидаги хонадонларга кириб, 500 нафарга яқин ёш билан сўхбатлашди. Натжидада 19 нафар йигит-қизга иш топиб берилди.

Шаҳноза ХОЛИҚОВА

## ФАРҒОНА

“Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш мақсадида Фурқат туманида “Ҳоким ва ёшлар” учрашуви ташкил қилинди. Унда вилоят ҳокими Шуҳрат Фаниев Бешариқ, Ўзбекистон ва Фурқат туманларидан 230 нафарга яқин йигит-қиз билан самимий руҳда мулоқот қилди.

Натижада 34 нафар ёшга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар, яна 12 нафарга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва кенгайтириш учун фойдаланила-май турган бино-иншоотлар “ноль” қийматда ижарага берилди. Бундан ташқари беш нафар йигит-қизнинг ўқишга кириш масаласи ижобий ҳал этилди. Бир қанча фаол тенгдошларимиз ёш оилалар учун қурилаётган янги

Дилдора САЛИМОВА

# ОИЛА — ДАВР ЭВРИЛИШИДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Татаристон Республикасидаги таълим муассасаларида 2013 йилдан буюн “Оила юритиш сабоғи” дарслари ўтиб келинади. Бу лойиҳа бугун Россия бўйлаб ҳам кенг қулоч ёймоқда. Ҳафтада бир марта ўтказиладиган дарслар давомида оила аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оила тутуми ва бюджетини шакллантириш масалалари, бола парвариши, фарзанд асраб олиш ёки қарамлиги олиш шартлари каби масалалар ёшларга тушунтириб борилади.

Шу ўринда бу тажрибани ўзимизда қўллаш оилавий муносабатларни тартибга солишдаги миллий ёндашувнинг бир қисми бўлиши мумкинлигини тақлиф қилган ҳолда, оила-нинг ижтимоий ҳолатига бевосита таъсир кўрсатаётган бошқа омиларнинг ҳам ёлда сақлаш кераклигини таъкидлаш даркор.

— Жамият ҳаётида рўй бераётган ҳар бир жараён оила институтига бевосита таъсир кўрсатади, — дейди социолог Наргиза Алимова. — Урбанизация ва миграция ана шундай омилардан биридир. Илгарилари кўп фарзандлик, икки ва ундан ортқ авлод вакилларининг биргаликда яшаш оилавий қадриятларнинг асосини ташкил қилган бўлса, бугун шаҳарлашиш ҳамда миграция таъсирини бундай аъёнанага путур етмоқда. Энциклопедия кўп болаликнинг ўрнини икки ёки бир фарзандлик эгаллаб, ёш оилаларнинг алоҳида ҳаёт кечиршига бўлган интилиши ортиб

бормоқда. Аслида муаммо бунда эмас. Ривожланиш бир ерда тўхтаб қолмаслиги инкор этиб бўлмас ҳақиқат. Гап ана шундай узгарувчан замонда оила аталмиш қўрғоннинг бутлигини сақлаш учун замон руҳига мос аниқ режалар ва ечимлар илгари сурилмаётганида. Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёев 4 июль куни ёшлар масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида оилавий ҳаётда юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларга қарши курашишда манзил ишлаш тизимини жорий этиш кераклигини таъкидлаганда ҳақ эдилар.

Ёши улуглар тилидан айтиладиган “Ҳозирги ёшлар қийинчилик нималигини биллшмайди” мазмундаги эътирозлар

кунора қулоғимизга чалинади. Уларнинг қарашларини инкор қилмаган ҳолда, бугунги кун ёшларининг ҳам ўз муаммолари ва ўй-ташвишлари борлигини унутмаслик керак, назаримда. Бойси бир томондан аъёнаю қадриятлар, бошқа томондан эшик қоқмай бостириб келаётган глобаллашув асрида ҳаётини маслагини аниқламай, кенг дунёқараш учун етарли билимга эга бўлмай аросатда қолиш эҳтимоли юқори. Демокчи бўлганимиз, мустаҳкам оила учун пойдевор қураётиб, давр тақозо этаётган — ҳуқуқий билим, мажбурият ва масъулият каби жиҳатлар ҳам инобатга олинса, шунда ота-оналарнинг “бир-бирига тўғри келмаган” фарзандлари сони камаймиди?

Моҳира ОТАБОЕВА,  
ЎЗА



## БИР ҚАДАМ ҚОЛДИ



Россия яшил майдонларида бўлиб ўтаётган мундиал ниҳоясига етмоқда. Ўйиндан-ўйинга терма жамоалар сараланиб, фақат кучлилар кураши давом эттиряпти.

Ярим финални Франция ва Бельгия ўртасидаги ўйин бошлаб берди. Машҳур изкувар Эржюль Пуаронинг юрти вакиллари учрашувни анча ишончли бошлади. Французлар дарвозаси олдида кўплаб хавфли вазиетлар яратилди. Тоби Аъервейерелд, Эден Азар томонидан йўланган зарбаларни франклар дарвозабони Уго Льорис қийинчилик билан бартараф этди. Франция терма жамоаси мураббий-си асосан рақибни кўтиб олиш, қарши ҳужумда уни жазолаш тактикасини қўллади. Рақиб жамоанинг етакчи ўйинчилари — Эден Азар, Кевин де Брюйне, Ромелу Лукакуни доимий равишда қўриқлаб, “зарарсизлантириш”ни қойиммақом қилиб удалла-

Иккинчи ярим финал эса, мухлисларга 120 дақиқалик ажойиб томошани тўхфа этди. Беллашув инглизлар учун омадли бошланди. Ҳимоячи Киран Триппьер жарима зарбасини моҳирона бажариб, рақиб дарвозасига тўп киритди. Хорватларнинг тезкор голдан ўзига келиб олиши қийин кечди. Биринчи бўлим шу ҳисоб билан якунланди.

Навбатдаги бўлимни хорватлар анча шиддатли бошлади. Англия ҳисобни

ушлаб туришга интилиб, ҳужум суръатини оширмади. Аммо ҳужумкорлик кайфияти устун бўлган болконлик футболчилар инглизлар дарвозаси олдида бирин-кетин хавфли вазиетлар ярата бошлади. Ниҳоят Иван Перичиқ рақиб ҳимоя-чидан чаққонроқ ҳаракат қилиб, дарвозабонни оқиз қолдирди. Голдан руҳланган хорватлар босимини кучайтирди. Мувозанатни йўқотган инглизлар ҳимоясида пала-партишлик юзага келди. Бир вазиетда Перичиқнинг зарбасидан сўнг тўп дарвоза устунига тегиб қайтган бўлса, бошқасида Жондан Пикфорд жамоаси жонига оро кирди.

Асосий вақтга голиб аниқланмагач, жамоалар экстра бўлимларда баҳс-ни давом эттирди. Марио Манджукчиқнинг голи эвазига ҳисобда олдинга чиқиб олган хорватлар миллий футбол тарихида илк бор жаҳон чемпионатининг финалчисига айланди.

Шундай қилиб, бугун Англия ва Бельгия иккинчи ўрин учун баҳсга киришса, эртага Франция ва Хорватия ўртасидаги ўйин жаҳон чемпионини аниқлаб беради.

Ш.ЭРКИНОВ

## IMKONIYAT

27 ёшли Ансатбай Умирзаков май ойда "Nukus Gold Star" оилавий корхонасини очиб, аҳолига фото ва видео хизматларини кўрсатишни мақсад қилган эди.

## 12 МИЛЛИОН СЎМ ТОПИБ БЕРИЛДИ

Сардор БЕЖОҶОНОВ



Ёш тадбиркор керамик техникани харид қилиш учун банкдан кредит суради. Бир ойдан ортиқ вақт мобайнида шунинг орқасидан юргани-юрган. Фойдаси йўқ. Ниҳоят тинка-мадори қуриган бў...

Йигит Президентимизнинг шу йил 27 июндаги "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури тўғрисида "ги фармони асосида ҳудудда ташкил этилган махсус штабга мурожаат қилди.

Муаммо жойида ҳал этиб берилди — саккиз соатга қолмай "Микрокредитбанк"-нинг Нукус филиали Ансатбайга керамик маблағни топиб берди. Энди тенгдошимиз ўзидан ташқари яна икки кишини иш билан таъминлаши мумкин.

## FUQAROLIK POZITSIYASI

Шерзод МАҲМУДОВ

Биз, ўзбекларда авваллари кўчада эркак ва аёл тўқнаш келиб қолса, эркак ўтиб кетмагунча аёл киши қадам босмас, йўл четида эзини яшириб турарди. Шу орқали ЭРКАККА хурмат бажо келтирарди.

Биз, ўзбекларда оила қурганига кўп йиллар ўтса-да, аммо ота-онани, кўни-кўшинилардан андиша қилган эр-хотинлар бир-бирини катта фарзандининг исми билан чақирарди. Ота-она, аҳи аёлига хурмат белгиси эди бу.

Ҳақидаги шов-шувли хабар барчамизни сескантириб юборди. Давлат хизматчисининг оғдйи фуқаро, заифага қилган муносабати на қонун нормалари, на тергов ва суриштирув этикаси, на миллий қадриятларимизга

## АЁЛЛАРНИНГ ҚАДРИ

Бизнинг Фарғона томонларда уйга номаҳрам эркак меҳмонлар келиб қолса, мезбон аёл имкон қадар уларнинг кўзига кўринмасликка уринади. Уйда ўтирган меҳмонлар олдида ноз-неъматларни ўғай орқали киритади. Ўғай бўлмаса, хона эшигининг олдида келиб, аста йўталиб қўяди. Эрини чақираётганидан дарак бу.

Муқаддас динимизда ҳам аёл киши муқаррам саналади. Уни эъзозлаш шараф ҳисобланади. Шунинг учун аёл киши муқаддас динимизда ҳам аёл киши муқаррам саналади. Уни эъзозлаш шараф ҳисобланади.

Утган ҳафтада ижтимоий тармоқларда тарқалган Каттакўрган шаҳар ИИБ тезкор вакили Санъат Умаровнинг гайриқонуний ҳатти-ҳаракати

тўғри келади. Қачон бу даражада тубанлашиб кетдики? Замона ўзгардики? Йўқ! Одамлар, қарашлар, ҳаёт ва атрофдагиларга муносабатимиз ўзгараётганлар. Буларнинг бари илмсизликдан, маънавийнинг қашшоқ эканидан дарак!

Бундан буён тўйдан кейин ногора чалишни бас қилиб, мавжуд камчиликларни улар ачинарли оқибатларга олиб келмасдан аввал бартароф этишга киришмоғимиз керак. Ана шунда жаҳият "Санъат"лардан тозалани!

Бизга нималар бўлган ўзи?! Ҳар ҳафта кўз кўриб, қулоқ

эшитмаган воқеалар ҳақида хабар тоялпимиз. Ота ўғай қизининг номусига теккан, она норасидаларини аёвсиз пичоқлаган, фарзандлар отасини ўлдириб, кўмиб юборган... Дийдаимиз қотиб бораётганининг сабаби нимада?

"Каттакўрган воқеаси" шунинг кўрсатдики, жамиятимизда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизми ҳали тугал шаклланмаган. Аёл аябдор бўлиши мумкин, бироқ на қонун, на ислом дини Санъат Умаровга уни таҳрирлашга ижозат берган эмас. Аёлини қил-яланғоч қилиб кўчага ҳайдаш ҳеч бир мезонга тўғри келмайди. Биз азалдан ўзгалар наздида диний қадриятларини хурмат қиладикан, аёлини эъзозлайдикан миллат сифатида гавдаланиб келганмиз. Погон таққан ўша ноқасни ҳам она дунёга келтирган-ку! У ҳам қайсидаир жувоннинг умр йўлоши, эҳтимом, жажжи қизалоқнинг отасидир. Эртага яқинлари унинг қилмишидан маълуматга қолмайми?

Бундан буён тўйдан кейин ногора чалишни бас қилиб, мавжуд камчиликларни улар ачинарли оқибатларга олиб келмасдан аввал бартароф этишга киришмоғимиз керак. Ана шунда жаҳият "Санъат"лардан тозалани!

## ТААССУРОТ

Азизхон ИМОМОВ



## БИЗНИ ТОҒЛАР БИРЛАШТИРДИ

Зомин тоғлари сари йўлимиз туя ўрқачларини эслатувчи қир-адирлардан бошланди. Ёз қуёшининг нурларида бу кенгликлар манзараси янада аниқ ва равшан кўринади. Атрофга қанча назар солма, бирор сажин гўша ёки дароҳт сояси учрамайди. Сукатга чўмган борлиқ гўё асрлар ҳикматиной ўзида жамланган доғишман мисол автобус ойнасидан ҳайрат билан тикилган ёш қаламкашларнинг савол беришини кутаётгандек...

Тевага юқорилаганимиз сари атрофдаги манзара ўзгариб боради. Йўлимиздан нуроб бораётган зангори қоялар, ажабтовур тошу харсанглари чиқади. Табиат ранглари қуюқлашиб, яшилликка чўмиб бораётганини сезаман. Сой бўйига етганимизда бизни салқинликка чўмган боғу роғлар қаршилади. Зоминнинг машҳур арчалари қаддини ростилаб баҳодирлар каби тоғ ёнбағирларидан кузатиб турарди. Узоқда қорли чўққилар, қуюқ ўрмонзорлар кўринади.

Ўнимда ўтирган чирчиқлик ёш иходкор Динора ҳам бу гузал манзараларни ҳайрат билан томоша қилади. Семинара биринчи бор иштирок этаётган барча тенгдошлари сингари унинг нигоҳларида ҳам ҳаяжон бор. Қизиги, шеър ёзишга ҳавасман шундай синглим билан бир шаҳарда яшар эканмиз-у, бир-биримизни танимас эканмиз. Шунинг, йўл бўйи дегарли суҳбатлашганимиз йўқ. Майли, ҳали бунга вақт бўлади. Семинар кунлари Динора билан яқиндан танишиб, қўлимдан келганча ёрам бериш истагини кўнглимга тугиб қўйдим. У шеърят йўналишида, мен эса, бадий публицистикадаман. Уриқисойнинг шўх сойлари бизни дўстлаштиришига ишонардим.

Зоминга янги кун баланд тоғларни олиб, яшил арчалардан ўзра қуйилиб киради... Бутун борлиқни забт этишга ошқоқан ёруғлик лашкари мисол заррин яловларини хиллатратганча кенг уфқда сўз тортиб киради... Тошли қалъаларни ишғол этиб, шарқорқ сувларда чанқоғини қондириш ниятида Уриқисойга тушади, яна юксакка интилади, бепоён кенглик сари ошқоқан... Кечгагина танишган янги дўстларим даврасида бу гузал манзарани томоша қиларканман, беихтиёр устоз Муртазиннинг "...ёруғлик юрти бу, тонг ўлкаси бу" деган мисраси ёдингга тушади. Балки янги кун билан бирга, миллий адабиётимиз истиқболли ҳам шу тоғлар бағридан бошланар... Бадиий ижода, адабиётга ихлосмандлик ҳам кечиксиз энг асосий. Бу қудратли куч олис ва яқиндаги қалбларни забт этишга, уларни бирлаштиришга қодир. Семинарада иштирок этиш учун юртимизнинг турли ҳудудларидан келган истеъдодли ёшларнинг кўпчилиги билан биринчи марта қўришга бўлган бўлса-да, бир-биримизни аввалдан танийдикан қадарон дўстларга ўхшардик. Уртаимизда ҳамфикрлик, ўй ва қарашларимизда уйғунлик бор эди. Аслида биз аллақачон ижодий ишларимиз орқали танишишга улгурганмиз.

Мисол учун, Махсум Оққўзиёвнинг ҳикояларини матбуот нашрларидан кўпдан бери ўқиб келаман, лекин бу қиз билан қўшни таҳририятларда ишлашимизни билмас эканман. Ҳикояларига қўшилиб ўзи ҳам анча улайиб қолган Мадина Ҳалбоева билан Сирдарёда танишганимиз. "Алишер Навоий ва қорақалпоқ адабиёти" мавзуда илмий иш қилишни мақсад

қилган берунийлик Анвар Алдамбергенов тошкентлик ёш санъатшунос Шохруҳ Абдурасуловнинг мақолаларини мунтазам кузатиб боради. Қашқадарёлик умидли драматург Азизбек Қурбоновнинг "Бахт фаритаси" пьесаси Жиззах қўғирчоқ театрида саҳналаштирилиб, томошабинлар эътиборига тушган. Сурхондарёлик шоир Насрулло Эргашевнинг Ёшлар иттифоқи ҳомийлигида нашр этилган "Иккимиздан қолсин аланга" номли биринчи шеърый китобини бухоролик навиқор журналист Шавкат Бобоҷонов дегарли ёлдан билди. Наманганлик Орифжон Одиловнинг ижтимоий тармоқлардаги танқидий чиқишларини эса, семинар иштирокчиларининг ақсарияти кузатиб бораркан...

Ростини айтсам, баъзида ҳатто катта шаҳарда ҳам сени тушунмаган, ижодий ишла-рингга баҳо бера оладиган тенгдошларини топиш қийин туюлади. Лекин Уриқисойда ана шундай хайрихоҳ ёшларни учратдим. Улар билан табиат қўйида эркин мулоқот қилиш мумкинлиги адабий гурунларимиз, суҳбату мушоираларимизга ўзгача шўху бағишлади. Зоминда сониялар дақиқалардек тез ўтди, шаршара сувлари каби жўшқан ва мусалфро оҳанглари йўғриди. Янги шеърлар, қатра ва ҳикоялар битиди, қўшиқлар қуйланди... Устозларнинг қимматли сабоқлари, дўстона суҳбатлар ёшларга илҳом бағишлаб, маҳоратини чархлади.

Қизиги, ёшларга маслаҳат бериб, ўз тажрибали билан ўртоқлашган иходкорларнинг кўпчилиги қачонларидир Зомин семинарида ҳудди биз сингари иштирок этганини энтикиб хотирлади. Улар сузлаб берган воқеалар, кечинма ва таассуротлар ҳам бизникига жуа ўхшаш экан.

Аҳмадхон Мелибоев кўпни қўрган маҳоратли журналист, ёзувчи ва муҳаррир. Матбуот саҳифаларида ёзувчи бўлиб қўйилган мақола ва чиқишларини кўп ўқиганмиз. Унга ҳавас қилиб қўлимизга қалам олган пайтлар ҳам бўлган. Бадиий публицистика шўбасида кечган сабоқлар чоғида биз Аҳмадхон акани ёшларни севувчи теран нигоҳли педагог сифатида ҳам кашф этдик. Устоз баъра ишларимизни диққат билан ўқиб чиқиб, ютуқ ва камчиликларимиз, бадиий публицистиканинг моҳияти, унинг ўзига хос жиҳатларини шундай аниқлик билан тушунтириб бердики, гўё Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаларига айланиб қолдик. Аҳмадхон ака таъкиллаганидек, публицистик асарлар ёзиш учун кенг доирадаги иходкор бўлиш лозим. Публицистик ҳудди ёзувчилик теран фикрлаш, шоир сингари нозик тўғулар, кечинмаларни ифодали билиши зарур. Шунингдек, у кузатувчан бўлиши, атрофда юз бераётган воқеаларга теран нигоҳ билан назар солиши даркор.

Шўбамизда қизгин жараён кечаётганига қараман, бошқа шийпонларга кўз қиримини ташлаб қўярдим. Ахир, Динора билан ҳали ҳам дўстлашганимиз йўқ. Мана, семинарнинг иккинчи кунини ҳам ўтатишти, акаларча эътибор билан берган бир-икки саволимга жавоб қайтарганини ҳисобга олманда, кўнглидан суҳбатлашиш имкони бўлмади...

Ижодий машғулотлар туғаб, тушмика кетишга шайлашиб турганимизда, сой устидаги кўприкдан шошиб ўтаётган бир қиз кўринди. У Динорага жуа ўхшарди. Қиз бунинг севмай йўлда давом этмасди. Тезда бориб қўғозни ердан олдим. Унда шеърый сатрлар битилган эди. Фуратни бой бермай, шеър эгасининг ортидан эргашдим. Йўлни қисқартириш учун сойдаги харсангтошлардан сакраб ўтиб қизнинг шундоққина рўпарасидан чиқдим... Афсуски, адашибман. У Диноранинг ҳонадоши Гулназ экан. Ноқулай аҳволда қўғозни қўлга тутқаздим, орқага қайтдим. Аммо Динора билан қўришиш истаги қалбимни тарк этмади.

Зомин семинарининг сўнги кунини ҳайрату ҳаяжонларга бой бўлди. Тақдирлаш маросими гузал мушоирага, куй ва қўшиқларга уланди. Сертификатларини қўлида ушлаганча бир-бирини табриклиётган тенгдошларининг кўзлари қувонгча тўла, ижодий анжуман уларнинг ҳаётидаги унутилмас воқеага айлангани сезилиб турарди. Аслини олганда, бу семинар ижодий сабоқларнинг муқаддаси ҳолос. Устозлар таъкиллаганидек, бизни олдинда ҳали кўп синовлар, излашнилар кўтаради. Муҳими, бу йўлда ёлғиз эмаслигимизни, сағимизда қўлаб истеъдодли ёшлар, ижодимизга бефарқ бўлмаган устозлар борлигини қўрқиб. Уриқисой кўнглини ва максалларини яқин бўлган ана шу ёшларни билдиришди. Семинар ақунланганча, биз хайрлашмадик, аксинча, яна учрашишга, янги ижодий режалар тузиб, доимо фикр алмашиб туришга келишиб олдик.

Тез орада Тошкентга йўл олишимизни билсам-да, бу гузал гулдан кетгим келмасди. Қизин суҳбатлар, мушоиралар кечган сой бўйларига яна бир бор назар солдим. Тошдан-тошга урилиб, илдамлаётган суз каби биз ҳам бу ажиб маскани тарк этмоқдамиз. Кўнглимизда алмағ ошмаган биргина ният қолган. Балки энди кеч бўлгандир. Тақдирга тан берганча, семинар иштирокчиларини олиб кетишга келган автобуслар томон йўл олдим.

Бироз кеч қолибман. Кўпчилик ёшлар ўз урнини эгаллаб бўлган. Биринчи автобус тўлган, иккинчисида ҳамма жойлар банд. Ниҳоят, учинчи автобустга чиққанамда орқада биргина бўш жой қолганини қўрқдим. Яхшилаб қарасам, қўшни уринида Динора ўтирибди. Сўқиб кетдим. Диноранинг ҳам юзи-га самимий табассум югурди. Биз биринчи бор танишган семинар иштирокчиларини сингари ҳаяжон билан қўридик. Мароқли суҳбатга берилдик... Бизнинг дўстлигимиз мана шу Зомин тоғларидан, яшил арчалардан ифориға чўлганган шаршара ва сойлар бағридан бошланди...

YOSH TADBIRKOR — ELGA MADADKOR

## BUGUNNING GAPI

"Сиб" бозори яқиндаги ошхоналардан бирини тушлик қиялпимиз. Ёнимиздаги сўрида ўтирган чолу кампир тамадан қилиб олган, дуога қўл очди. Бобо замонамизга тинчлик, элга омонлик, ризқу насибамиз бутун бўлишини сўраб: "Мустақиллигимизга кўз тегмасин, Юртбошимиз соғ-омон бўлсин, ёшларимиз униб-ўссин, ризқ-насибамиз бутун бўлсин", — дея юзига фотиҳа торти.

Уринларидан туриш маҳалида моёв экиз дастурхондаги нон булакларини янгиштириб олиб, тугунчага солиди. Бобо ҳам қандайдир савоб ишга қўл ургандек қарашиб юборди. Биргалашиб овоқларни териб-тергилди олади.

Ошхонада хўраңалар кўп эди. Узоқ бир қишлоқдан келган икки қариянинг чой ичиб бўлган, замонага шўқорланган келтириб дуолар қилганини, деҳқон меҳнатини қадрлаб нонни кўзларига тўтиё айлаганини биров сезди, биров сезмади. Бизга ёмон таъсир қилгани эса, сўрининг ён томонидаги ўстоз ўтирган ёш йигит-қизларнинг ошқора хиринглаб мазах қилгани бўлди. Уларнинг нон булакларини янгиштириб олган кексалар қурумсоқликда айлаб қўлаётгани шундоқ сезилиб турарди. Аслида бу ҳолат бугунги айрим ёшларнинг нонга муносабат масаласида тўқиллик шўхлигидан дарак эди. Оилада, боғча, мактаб ва бошқа таълим муассасаларида, жамоалар, маҳаллаларда ризқ-насибани тежаб бўлича олиб борилаётган ишларда оқшаш


## УВОҒИ ҲАМ НОН

Жаҳонгир РАҲМАТОВ

мавжудлиги ҳам шу воқеа орқали яққол кўрилади. Баъзида ўйланиб қоласан: наҳотки, одамзод тўқликнинг қадрига етиши учун очарчиликни қўриши керак? Наҳотки, асосий истеъмол маҳсулотимиз ноннинг осмондан тушмаётганини англаб етиш шунчалар қийин бўлса?! Бу гапларни оқдарлик фермер бобо — Келдиер Тоғжиев қўлидаги тўпроққа беланган яримта оппоқ нонни пудлаб-пудлаб, кўзига суртаётиб, аччиқ надомат билан айтди. Овозининг қадрига етишга бободоҳқон ич-ичидан афсусланаётгани сезилиб турарди.

— Йигирма йилдан буён мустақил фермер сифатида меҳнат қиламиз. Оила аъзоларим билан йил ўн икки ой тиним нимагини билмаймиз, — дейди Пастдарғом туманидаги "Усин момо" фермер хўжалиги бошлиғи, "Эл-юрт хурмати" орден соҳибни, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Элибтой Таниев қўламаги нонни ени билан арта-арта. — 200 гектар умий майдонда пахта ва галла етиштирамиз. Шу йил ҳам галладан мўл ҳосил кўтардик. Ҳосилдорлик 60 центнерни ташкил этди. Қайсидаир ноқас шунча захмат эвазига эл дастурхонига етказиб берилган азиз неъмат — нонни беқадар қилса, одамга алам қиларкан.

Деҳқончилик вақт билан, қўғозлардаги қўрсаткичлар билан ҳисоблашмайди. Қишининг қиласида ҳам, ёзининг саратониди



Ж.МИРЗО чизган сурат.

ҳам кетмон елкалаганлар далада бўлади. Мўлжалини қўйишинг чиқишю ботиши билан олиб ишлаганини ишлаган. Бунинг нимаини кўпгина шахарликлар билмайди. Айниқса, баъзи олифти ёшлар.

— Ёшларга меҳнатни қадрлаш ҳақида кўпроқ панда-насиҳат қилимоғимиз даркор, — дея суҳбатга қўшилиди Самарқанда туманидаги "Раҳматов Бахтиёр узумзорлари" фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр Раҳматов. — Улар ҳеч бўлмаганда турфа ноз-неъматлар — гўшт, сут қаймоқ-қатик қаерадан ва қандай келаятганини фаҳмасди. Дастурхондаги бурсидақ нонлар аввал бўғдой, сўнгра ун бўлишини, ундан кейин нон қилиб пиширилишини ўз кўзи билан кўрсин! Зора, ўшанда нондан эътиёжга яраша фойдаланайди, ортганини улоқтириб юбормайди. Ун олти гектар майдонда галла етиштирдик. Режаларни бажариб, ҳосилдан ишчиларга ҳам тақсимладик. Омборимиз донга тўлди. Ҳар бир хонадондан нон ҳиди аңқийди. Ахир, бу Яратганнинг инояти-ку? Халқимиз

азалдан "Уйинг бўғдойга тўлсин", дея дуо қилган. Сабаби, нон — улғу неъмат. Ҳамма замоналарда ҳам унга етишиш осон кечмаган. Бир сўз билан айтганда, ноннинг бориғи ҳайт давоимийлигидан даололат.

Дарҳақиқат, нон фақат ва фақат эъзозга лойиқ. Уни хор қилган одамнинг ўзи хор бўлади. У қадарланган жаҳият эса, гулла-аб-яшнайди. Инсон ҳаётга келибдики, яхши, бахтли яшашга интилади. Турмуши тўқин ва фаровон бўлишини истади. Бироқ бу ноз-неъматларни истаганча ироф қилишинг, хоҳлаганча тақуки-социшинг мумкин дегани эмас-да. Биз, аввало, тежамкор бўлишни, айниқса, нонни эъзозлашни билишимиз зарур, йўқса, биримиз икки бўлмайди.

Ривоят қилишларича, қадимда улғу бир хўкмадан ўтган экан. Қўшин билан бийдай чўлдан ўтаётиб от устида тамадан қилиб олишларига тўғри келибди. Бир маҳал у қўшин омонига кўтариб "тўхтаң" ишорасини қилиди. Қўшин дарҳол тўхтади. Шунда пошхоқ: "Йўлда қўлимдан нон увоғи

тушиб кетди, уни топинглар", — деб амр қилибди. Бутун бошли қўшин ҳарчанд уринмасин, кўш бағрига сингиб кетган ушоқни топа олмади. Шунда пошхоқ увоқ тушган жойни мўлжаллаб, атрофини баланд девор билан ўратибди. Уша йили салтанатига қарашли галлазорларда шундай мўл ҳосил бўлибдики, буни қўп яхши-ёмон замоналарни қўрган кексалар: "Олампоҳимизнинг қутлугу ниятлари, поий қадами шарофати бу!" — дея эътироф этибди. Тўғри-да, қадр бор жойдан баракот аримайди.

Бу йили сув тақчил бўлиб, об-ҳаво қуруқ келишига қараман, деҳқонларимиз галладан қўзлаган ҳосилни олишга эришди. Шўқри, ҳозир Ўзбекистон қилаётган мамакатлар қаторидан жой олган. Ҳамма гап ўша мавқеини сақлаб қолишда. Сир эмас, шу пайтгача асосий эътибор миқдорга қаратилиб келинди. Энди эса, мўлжал сифатга олинган. Юртимиз бўғдойзорлари бир-бирдан фарқ қилади. Ҳатто туманлараро ҳам турлича тўпроқ, сув, иқлим шароитлари кузатилади. Шуларни ҳисобга олган олимларимиз деҳқонлар билан ҳамкорликда селекция ишларини давом эттиркоқда. Ҳар қайси ҳудудга мос, оппоқ ва таркибиди қайишқор модала (клейковина) маромида бўлган ун берувчи бўғдой навлари яратилишига ҳеч ҳам шўба қилмаймиз.

Ўшанда ҳам гап, албатта, ноннинг қадрига етишимизга бориб тақалаверади. Негаки, нон дуо олган, қунонам илоҳий неъмат. Уни қадрламас эканмиз, увоғини ҳам нон деб билмас эканмиз, юрт ва хонадонимиздан хайру барак арийди. Бунинг ёшлар билиши шарт. Ўшанда баъзилари дуоғуй нурунийлар устидан қўлмайди.

